



## EFFECTIVE METHODS FOR IMPLEMENTING GREEN ECONOMY IN STATE-OWNED ENTERPRISES

**Usmanov Behruz Shovkat ugli**

1st-year master's student in Digital Business/Economics at the Tashkent branch of G.V. Plekhanov Russian University of Economics. at the Center for Research of Problems in Privatization and State Assets Management State Assets Management Agency of the Republic of Uzbekistan, junior researcher taxn\_1993@mail.ru  
<https://doi.org/10.5281/zenodo.15049058>

### ARTICLE INFO

Received: 14<sup>th</sup> March 2025  
Accepted: 18<sup>th</sup> March 2025  
Online: 19<sup>th</sup> March 2025

### KEYWORDS

Green economy, priority areas, de-ecologization, rebranding, eco-development, enterprises with state participation.

### ABSTRACT

*This article examines the main aspects of the "green" economy, according to which the activities of enterprises should be oriented towards the economical use of natural resources and the preservation of ecosystems. Currently, the development of a "green" economy is considered to be the key element of an ecologically and socio-economically developed region. This can be achieved through the implementation of "green" economic principles, including in enterprises with state participation.*

## ЯШИЛ ИҚТИСОДИЁТНИ ДАВЛАТ ИШТИРОКИДАГИ КОРХОНАЛАРДА АМАЛГА ОШИРИШНИНГ САМАРАЛИ УСУЛЛАРИ

**Усманов Бехруз Шовкат ўғли**

Г.В. Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университети Тошкент филиали, рақамли бизнес/иқтисодиёт йўналиши 1-курс магистранти.

Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги хузуридаги Хусусийлаштириш ва давлат активларини бошқариш муаммоларини тадқиқ этиш маркази, кичик илмий ходим taxn\_1993@mail.ru  
<https://doi.org/10.5281/zenodo.15049058>

### ARTICLE INFO

Received: 14<sup>th</sup> March 2025  
Accepted: 18<sup>th</sup> March 2025  
Online: 19<sup>th</sup> March 2025

### KEYWORDS

Яшил иқтисодиёт, устувор йўналишлар, деэкологизация, ребрендинг, экодевелопмент, давлат иштирокидаги корхоналар.

### ABSTRACT

*Мақолада "яшил" иқтисодиётнинг асосий жиҳатлари кўриб чиқилади, унга кўра корхоналар фаолияти табиий ресурслардан иқтисодий фойдаланиш ва экотизимни сақлашга йўналтирилиши керак. Ҳозирги вақтда экологик, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожланган минтақанинг асосий элементи "яшил" иқтисодиётни ривожлантириш ҳисобланади, бу "яшил" иқтисодиётни, шу жумладан давлат иштирокидаги корхоналарда яратиш орқали мумкин.*

Макроиқтисодий ва геосиёсий босим шароитида иқтисодиётнинг турли соҳаларида, жумладан давлат иштирокидаги корхоналарда, ривожланиш ва мақсадли кўрсаткичларга эришишнинг энг мақбул самарали усулларини топиш фоят муҳимдир.



Хавфсизлик муаммоларини ҳал этишни мутахассислар ва олимлар яшил иқтисодиёт билан боғлайдилар. Бу иқтисодиёт технологиялари табиат, жамият ва инсон манфаатлари ўртасидаги мувозанатни сақлашга қаратилган. Яшил технологияларнинг вазифаси атроф-муҳитга зарар етказмайдиган, ресурслардан фойдаланишни оптималлаштирувчи ҳамда уларни тақсимлаш ва қўллаш самарадорлигини оширувчи технологик ечимларни жорий этишдан иборат. Ресурсларни тежаш, энергия самарадорлиги ва тежамкорлик тамойилларига асосланган яшил технологиялар аҳоли эҳтиёжларига мос келиши, ишлаб чиқариш ва экология ўртасидаги зиддиятларни бартараф этишга ёрдам бериши, иқтисодиётни ривожлантириш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ўртасидаги мувозанатни таъминлаши лозим.

Ўзбекистонда 2025 йил “Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва яшил иқтисодиёт” йили деб эълон қилинди. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 20 ноябрь кuni Олий Мажлис Қонунчилик палатаси мажлисида сўзлаган нутқида маълум қилди. Давлатимиз раҳбари бугунги кунда иқлим ўзгаришининг салбий оқибатлари нафақат Ўзбекистонда, балки дунёнинг кўплаб мамлакатларида сезилаётганини таъкидлади. Унинг сўзларига кўра, ҳаво ва сувнинг ифлосланиши, тупроқ эрозияси, чўлланиш, шунингдек, қазиб олинадиган ёқилғидан назоратсиз фойдаланиш глобал исишга, табиий офатларнинг кўпайишига, атроф-муҳит ва аҳоли саломатлигига жиддий зарар етказишга олиб келмоқда. Марказий Осиёнинг бошқа давлатлари сингари Ўзбекистон ҳам иқлим ўзгариши оқибатларига нисбатан заиф ҳисобланади. Бу муаммо табиий бойликларни, қишлоқ хўжалиги тармоғини, жумладан, ер ва сув ресурсларидан фойдаланишни хавф остига қўймоқда ҳамда табиий офатлар хавфини кучайтирмоқда. Дунё мамлакатларининг иқлим ўзгаришига мослашиш даражасини таққослаш учун ишлаб чиқилган ND-GAIN (The Notre Dame Global Adaptation Initiative) глобал индексининг маълумотларига кўра Ўзбекистон 2022 йил якунлари бўйича 187 мамлакат орасида 65-ўринни эгаллади. Марказий Осиё ривожланишидаги муаммоларнинг қарийб 70 фоизи сув танқислиги билан боғлиқ. Жаҳон ресурслари институти (WRI) маълумотларига кўра, Ўзбекистон сув танқислигидан жиддий зарар кўрадиган дунёдаги 25 та мамлакат қаторига киради ва иқлим ўзгариши оқибатлари сув етишмаслиги муаммосини янада чуқурлаштирмоқда. Мамлакат иқтисодиёти иссиқхона газлари чиқариш интенсивлиги бўйича дунёда бешинчи ўринда туради ва энергия ресурсларидан фойдаланиш натижасида юзага келадиган иссиқхона газлари чиқиндиларининг деярли ярмини ишлаб чиқаради [1].

2025 йилда Ўзбекистонда давлат иштирокидаги хўжалик жамиятларининг умумий сони 2 187 тани ташкил этди. Шундан акциядорлик жамиятлари - 254 та, масъулияти чекланган жамиятлар - 1457 та ва давлат унитар корхоналари - 476 тани ташкил қилди. Улар атмосферага зарарли чиқиндиларни камайтириш, чиқиндиларни қисқартириш бўйича кундалик ишларни олиб бориб, Ўзбекистоннинг “яшил” иқтисодиётини ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшмоқда. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, давлат иштирокидаги кўплаб корхоналарда йиллик бизнес-режаларни ишлаб чиқишда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, чиқиндисиз технологияларни жорий этиш, атмосферага зарарли моддалар чиқаришни камайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.



Масалан, 2024 йилда “Ўзбекнефтгаз” АЖ тизимидаги барча бошқарма ва корхоналар бўйича атмосферага чиқариладиган чиқиндиларнинг экологик меъёри 142,3 минг тонна этиб белгиланган бўлса-да, амалда бу кўрсаткич 73,1 минг тоннагача камайтирилди. Натижада 69,2 минг тонна ёки 48,6 % қисқаришга эришилди. Шунингдек, корхоналар томонидан оқова сувларни чиқаришни камайтириш бўйича белгиланган экологик меъёр 11,5 млн куб метр бўлган ҳолда, амалда ташланган оқова сувлар миқдори 4,3 млн куб метрни ташкил этди. Бу эса ўз навбатида 7,2 млн куб метр чиқиндиларни камайтириш имконини берди ва белгиланган экологик меъёрга нисбатан 62,6 % қисқаришни таъминлади.

Шу билан бирга, ишлаб чиқариш жараёнида ҳосил бўлган чиқиндилар миқдори белгиланган экологик меъёр 57,2 минг тоннага нисбатан 36,6 минг тоннани ташкил этди. Бу эса чиқинди ҳосил бўлишини 20,6 минг тоннага ёки 36 % камайтиришга эришилганлигини кўрсатади. Атроф-муҳит чиқиндиларини зарарсизлантириш ва қайта ишлаш ишлари ҳам самарали олиб борилди.

Дастур доирасида эскирган қозонларни энергия тежовчи қурилмалар билан алмаштириш ва ёқилғи ресурсларини тежаш учун муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш йўлга қўйилди. Бу нафақат энергия сарфини, балки умумий чиқиндиларни ҳам камайтиришга ёрдам берди. Шунингдек, янги чанг-газ тозалаш қурилмасини ишга тушириш ва мавжудларини модернизация қилиш бўйича самарали ишлар амалга оширилди [2].

2024 йилда “Олмалиқ КМК” АЖда Олмалиқ шаҳрида жойлашган “Қурувчилар” боғи фойдаланишга топширилди. Ободонлаштириш ва қурилиш ишлари натижасида комбинат ходимлари томонидан 3 минг 150 туп дарахт кўчати ва 25 минг туп гул кўчати ўтқазилди. Яшил майдонларни суғориш тизими янгиланди. Шунингдек, ёритиш тизими ҳам замонавийлаштирилди. “Яшил макон” лойиҳаси доирасида 243 гектар майдонга 1,5 миллион туп дарахт кўчати экилди.

Бизнинг фикримизча, яшил иқтисодиётни самарали ривожлантириш учун мониторинг ва ҳисобот тизимига эга бўлиш муҳим аҳамиятга эга. Давлат корхоналари ўзларининг атроф-муҳитга таъсирини кузатиш механизмларини жорий этишлари, шунингдек, халқаро ҳисобот стандартларига мувофиқ экологик ҳисоботларни мунтазам равишда эълон қилишлари лозим.

Бундан ташқари, узоқ муддатли истиқболда барқарорлик ва экологик хавфсизлик тамойилларини таъминлайдиган қонунчиликни ривожлантириш ҳам муҳим роль ўйнайди. Давлат корхоналари ушбу меъёрларга риоя қилишда пешқадам бўлишлари мумкин, бу эса бутун мамлакат иқтисодиётига ижобий таъсир кўрсатади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, давлат иштирокидаги корхоналарда яшил иқтисодиётни ривожлантириш комплекс ёндашувни ва иқтисодиётнинг турли тармоқлари ҳамда секторларининг ўзаро ҳамкорлигини талаб этади. Яшил технологияларни жорий этиш, хусусий сектор билан ҳамкорлик қилиш, таълим дастурларини ривожлантириш ва самарали мониторинг механизмларини яратиш - булар бундай корхоналарни янада экологик тоза ва барқарор қилишга ёрдам берадиган асосий жиҳатлардан бир нечтасидир.



Бундай саъй-ҳаракатлар натижасида нафақат экологик барқарорлик ошади, балки давлат корхоналарининг рақобатбардошлиги ҳам кучаяди, бу эса иқтисодиёт ва умуман жамият учун узоқ муддатли манфаат келтиради.

## References:

1. Абдурахманов К.Х. “Яшил иқтисодиёт – инновацион ривожланишнинг янги даври” / Biznes Daily Birja № 94-95 (3185-3186) 03.12.2024 <https://reu.uz/wp-content/uploads/2024/12/zelenaja-jekonomika.pdf>.
2. “Ўзбекнефтгаз” АЖ сайти маълумотлари асосида / [Электрон ресурс] URL: <https://www.ung.uz/press/page/5353-9177>.
3. “ОКМК” АЖ сайти маълумотлари асосида / [Электрон ресурс] URL: <https://agmk.uz/oz/press-conference/yashil-makon-loyiha-doirasida-jami-243-gektar-yer-maydoniga-15mln-daraxt-kochatlari-ekildi>.
4. “НКМК” АЖ сайти маълумотлари асосида / [Электрон ресурс] URL: <https://www.ngmk.uz/ru/sustainability/environmental-projects/>.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 2 декабрдаги “2030 йилгача Ўзбекистон Республикасини яшил иқтисодиётга ўтказишга қаратилган ислохотлар самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-436-сонли Қарори / <https://lex.uz/ru/docs/6303233>.